

## Қанча кўп бўлса шунча яхши

09:53 / 25.03.2017 3431

Аллоҳ таъолога беадад ҳамду саноларимиз ва Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга эса? беҳисоб саловоту дурудларимиз бўлсин.

Оиланинг мустаҳкамлиги унинг тинчлиги ва хотиржамлиги, ундаги бахту саодат, хурсандчилик ва шодлиги кўп тарафлама фарзандлар билан чамбарчас боғлиқдир. Зотан оила қуришдан кўзланган асосий мақсадлардан бири ва энг муҳими ҳам инсон ўз наслини давомчиси бўлмиш фарзандларни дунёга келтирмоқликдир. Уларнинг сони кўпайиб, сифати яхшиланиб боргани сари оила мустаҳкамлашиб, мукамаллашиб бораверади. Гўё, ҳар бир фарзанд дунёга келар экан эр-хотиннинг ўзаро ришталари янада қувватлашиб, чамбарчас боғланиб уларнинг узилиши таборо йўққа чиқиб бораверади. Оқибатда эса, мустаҳкам оила биноси барпо этилади. Фарзандларнинг дунёга келишида ота-оналар учун тўртта манфаъат бор. Улар:

1. Фарзанд кўришлик билан дунёда инсон наслини боқий қолишлигини таъминлаш орқали Аллоҳни муҳаббатига сазовор бўлишлик;
2. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қиёмат кунда ўз умматларининг кўплиги билан фахрланишларига сабаб бўлиш туфайли у зотнинг муҳаббатларига сазовор бўлишлик;
3. Ота-она ўз вафотларидан кейин фарзандларининг дуоларидан умидвор бўлиши;
4. Ота она, балоғот ёшига етмаган фарзандлари вафот этганда уларнинг шафоатларидан умидвор бўлиши.

Қуйида ушбу тўрт манфаъатни батафсил тарзда бирма-бир ўрганиб чиқамиз

Биринчиси энг дақиқи, энг ҳақлиси ва кучлиси, муҳими, ҳамда тафаккур эгалари учун энг манфаъатлисидир. Мазкур маъноларни тушунишимиз осонроқ бўлиши учун қуйидаги қиёсий мисолдан фойдаланамиз. Тасаввур қилинг-а, хўжайин ўз хизматкорини қўлига сифатли уруғни берди ва уни экиб ҳосил олишлиги учун унумдор ерни кўрсатди. Мўл-кўл ҳосил

олишлиги учун барча шарт-шароитларни ҳозир қилиб қўйди. Хизматкор эса, ўзидан меҳнатларни ихлос билан ўз вақтида рисоладагидек амалга оширса бўлди. Натижа эса, ёлғиз Аллоҳга ҳавола. Лекин хизматкор хўжайиннинг ишончини суистеъмол қилиб, дангасаликка, ялқовликка юз тутиб, уруғни ерга қадамади. Натижа эса ҳаммага маълум яъни ҳеч қандай ҳосил олинмади ёки уруғни ерга қадади ҳам дейлик, буни ўзи билан иш кўнгилдагидек бўлмайди. Балки уруғни униб чиқиши, уни турли офатлардан касалликлардан омонда бўлиши учун сабабларни амалга ошириш керак. Яхши парвариш қилиш, унга меҳр бериш, вақтида керакли озуқалар билан таъминлаб туриш одатда серҳосиллик гаровидир. Аммо деҳқон бунисига ҳам эътибор бермади, қисқаси берилган имкониятлардан унумли фойдаланмади ва неъматларни қадрига етмади. Айтинг-чи? Хўжайин бундай хизматкорга қандай чора кўради, яъни ўзининг ҳурматига, муҳаббатига сазовор деб биладими ёки, қаҳру-ғазабига дучор қилиб даргоҳидан қувиб соладими?

Агар мазкур ҳолатлар хизматкорнинг айби ва камчилиги билан эмас балки, табиий офатлар туфайли содир этилганида эди хўжайиннинг хизматкорга ҳеч қандай давоси бўлмас эди.

Ҳурматли ўқувчи! Энди мазкур мисолни биз сўз юритаётган мавзуга ўгирадиган бўлсак, қуйидаги кўринишда намоён бўлади.

Аллоҳ таъоло ўзининг бандасига оила қуриш неъматини раво кўриб бунинг учун керак бўладиган барча шарт-шароитларни яратиб берса, устига-устак соғлом уруғ бериб уни экишлик учун унумдор ер, яъни аҳли аёл бериб (зотан, Аллоҳ таъоло каломи шарифида “Аёлларингиз сизлар учун экинзордир” деган) мўл-кўл ҳосил олиш учун барча сабабларни яратиб берган бўлса-ю, банда бундай шарт-шароитларнинг қадрини билмаса. Бу берилган нарсаларни омонат эканлигини унитиб унга ҳиёнат қилса, албатта Аллоҳ таъолонинг қаҳру-ғазабига учрайди. Бу ҳақида Аллоҳ таъоло ўзининг каломи шарифида қуйидагича огоҳлантиради. “Агар шукр қилсаларингиз (неъматларимни) зиёда қилиб бераман ва агар куфр келтирсаларингиз албатта азобим шиддатлидир”.

Аллоҳ таъоло инсониятни яратар экан, уларни ер юзида покиза никоҳ орқали ўзларидан насл қолдириш йўли билан кўпайишларини ирода қилган. Бу эса илоҳий бир ҳикматдир, қайсики банда ушбу илоҳий ҳикматни амалга ошишига ўз ҳиссасини шаръий йўл билан қўшадиган бўлса, албатта Аллоҳнинг муҳаббатига сазовор бўлади.

Кимики, бу Илоҳий ҳикматни оёқ ости қиладиган бўлса дунё-ю охиратда хору-зорликка учраши аниқ.

Шариъатимизда қатлнинг барча турлари (мустасно қилинганлардан ташқари) ҳаром қилинган. Бунинг ҳикматларидан бири ҳам инсон зотининг наслини ноҳақ қатллардан сақлаб қолмоқлик ва уларнинг хавфсизлигини таъминламоқликдир. Шунинг учун ҳам бир неча ояти каримада Аллоҳ таъоло қатлни ҳаром эканлигини баён этган. Хоссатан, ёш фарзандларни айниқса қизларни тириклайин кўмишни қоралаб, қуйдаги оятларни нозил қилган:

تلتق بن ذى أب \* تلتس ةءوملا اذا و :ىلعات ه لوق

“Ва вақтики, тириклайин кўмилган қиздан сўралса. У нима гуноҳ учун ўлдирилган?” Таквийр 8-9 оятлар).

Демак қиёмат кунида энг биринчи сўраладиган саволлардан бири кимики қизини тириклайин кўмган бўлса, яъни ўлдирган бўлса ана шу тўғрисида бўлар экан. Бу савол-жавобларни қанчалик даражада шиддатли бўлишини тасаввур қилиб кўраверинг.

Айтишларингиз мумкин ояти каримадаги воқеъалар жоҳилият даврида қолиб кетган, ҳозирда ундай одатлар йўқ. Тўғри, ҳозирда айнан ўша даврдаги одатлар бўлмасада, унданда даҳшатлироқлари бутун ер юзида ҳар куни сон-саноксиз ҳолда содир этилаяпди. Қизиғи шундаки, мазкур одатлар араб миллатига хос бўлган жоҳилларнинг одати бўлиб, бу жиноят улар учун “фахр” эди. Ҳозирда бўлаётган мазкур жиноятга тегишли бўлган одатлар ҳам замондошларимиз учун “фахр” балки инсониятни ҳаётини яхшилаш, турмуш тарзини фаровонлаштириш йўлида қилинаётган “хайрли иш” лар деб ҳаспўшланаяпди. Ҳайрон бўлаётгандирсиз, гап айнан нима тўғрисида экан деб. Барча уламоларимиз бир овоздан “шаръий ва ёки тиббий яроқли сабаблар бўлмай туриб ҳомилани олидириб ташлашлик ҳаромдир”, деб фатво берганлар ва бунинг ҳукми ҳам араб жоҳилият давридаги одатнинг ҳукмида эканлигини баён этганлар. Бундан ташқари кўпчилик уламолар фарзанд кўришликнинг олдини олишликни ҳам қоралайдилар. Ва бу иш ҳам дунёда инсон наслини камайиб кетиши учун қилинган ҳаракатдир дейдилар. Хулоса эса бу ишларнинг барчаси ўз эгасини Аллоҳнинг муҳаббатидан маҳрум қилади.

2. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қиёмат кунида ўз умматларининг кўплиги билан фахрланишларига сабаб бўлиш туфайли у

зотнинг муҳаббатларига сазавор бўлишлик.

Фарзандларни кўпайтириш дегани уммати Муҳаммадия саллоллоҳу алайҳи васалламни кўпайтириш деганидир. Бу эса ўз-ўзидан Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг бошқа умматлар олдида фахрланишларига сабаб деганидир. Натижа эса, серфарзанд киши Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муҳаббатларига сазавор бўлишидир. Мукофот бунинг ўзи билан тугамайди, балки суннатга амал қилганлиги учун қиёмат кундаги Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатларидан баҳраманд бўлади. Қасддан фарзандларни кўпайтирмаган умматлар Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларида хижолат бўлиб турганларида бизларнинг қаҳрамонларимиз хурсандчиликларидан юзларидан нур таралиб турадилар. Қолаверса, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳадиси шарифларида бу ҳақда қуйдагича марҳамат қилинади.

عَاطَاً دَقَفَ يَنْعَاطَاً نَمَ: مَلَسُو هِيَ لَعَلَّ لِي لَوَسْرَ لِقَ: لِقَ رِي رَهْ يَبْ أ نَع  
هِيَ لَعَلَّ قَفْتَمَ. يَنْعَاطَاً دَقَفَ يَرِي مَ أَصَعُ نَمَوَ، لَعَلَّ لِي أَصَعُ دَقَفَ يَنْعَاطَاً نَمَوَ هَلَّ ل

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам:

“Кимики менга итоъат этса, бас албатта Аллоҳга итоъат этибди. Ва кимики менга осийлик қилса, бас Аллоҳга осийлик қилибди. Ва кимики менинг амримга итоъат этса, бас менга итоъат этибди. Ва кимики менинг амримга осийлик қилса, бас албатта менга осийлик қилибди” дедилар”  
(Мутаффақун алайҳ).

Демак, фарзандларни кўпайтириш зоҳиран Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига эргашишлик бўлиб кўринсада аслида бунинг зоҳирида тўғридан-тўғри Аллоҳга итоъат этишлик ётади. Аксинча фарзандларни кўпайтирмаслик гўёки бир ҳадиси шарифга эътибор бермасликка ўхшаб кўринса-да аслида, тўғридан-тўғри Аллоҳга итоъат этмаслик бўлади. Бу борада бир қанча ояти карима-ю ва унданда кўпроқ ҳадиси шарифларни далил сифатида келтирмоқлик мумкин, лекин асосий мавзудан четлашиб кетмаслик ва сўзимиз чўзилиб кетиб, малол келмаслиги учун мазкур ҳадиси шарифни ўзи билан кифояланамиз-да асосий мавзуга қайтамиз.

أَيُّ لِقَاقَفَ مَلَسُو هِيَ لَعَلَّ لِي لَوَسْرَ لِقَ: لِقَ رِي رَهْ يَبْ أ نَع  
هِيَ لَعَلَّ قَفْتَمَ. يَنْعَاطَاً دَقَفَ يَرِي مَ أَصَعُ نَمَوَ، لَعَلَّ لِي أَصَعُ دَقَفَ يَنْعَاطَاً نَمَوَ هَلَّ ل

هُلَّ لِقَافِ الْعَثَلِ الْهَاتِ مُثُوهَاَنْفَ كَلِّدَلْتُمْ هَلْ لِقَافِ الْعَثَلِ الْهَاتِ مُثُوهَاَنْفَ  
يَنْفِ دَوْلَوْلَا دَوْلَوْلَا اَوْجُوزَتْ " : مَلَسُو هَيْلَع هَلْ لِي لِي صِهْلَلْ اَلْوَسْرَلْ اَقْفَ كَلِّدَلْتُمْ  
دَوَادِ وَبِ اَهْجَاْ . " مَمُّ اَلْمُكْبُرُ ثَاكُم

Маъқал ибн Ясор розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Бир киши Набий саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: “Эй Аллоҳнинг Расули! Бир чиройли ва ҳасабли аёл топдим. Аммо туғмас экан, унга уйланаверайми?” деди. “Йўқ”, дедилар. Кейин у зотга иккинчи марта келди. Яна қайтардилар. Сўнгра учинчи марта келганида: “Эрига муҳаббат қиладиган ва кўп туғадиган аёлга уйланинглар. Мен бошқа умматларга сизларнинг кўплигингиздан кўз-кўз қилувчиман”, дедилар” (Абу Довуд ривояти).

Ҳадиси шарифга яхшилаб этибор берадиган бўлсак, серфарзанд бўлишлик қанчалик аҳамиятли иш эканлигини билиб оламиз. Агар шундай бўлмаганида Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам туғмас аёлга уйланишликка рухсат сўраган кишига икки марта очиқ-ойдин рад жавобини бериб учинчисида “Эрига муҳаббат қиладиган ва кўп туғадиган аёлга уйланинглар. Мен бошқа умматларга сизларнинг кўплигингизни кўз-кўз қилувчиман” демаган бўлар эдилар. Этиборлиси учинчи марта сўралганларида аввалги икки мартадагидек оддий рад жавобини бериб қуймасдан балки, уни баёноти, изоҳи билан таъкидлаб қўйдилар. Айтингни, бундан ортиқ яна қандай жавоб ёки кўрсатма бўлиши мумкин! Буни савол берувчи киши жуда ҳам яхши тушуниб етиб ва бошқа мулоҳазаларга ўрин йўқ эканлигини ҳам билди, шунинг учун ҳам қайта сўрамади. Қанийди энди барча умматлар ҳам тўғри тушуниб сўнгра унга амал қилсалар. Шу ўринда аёлларни кўп фарзанд кўрадиган билан кўрмайдиганини қандай қилиб билиш мумкин? - деган савол туғилади. Буни билишлик учун одатда жуфтликка номзоди бор қизни қариндошларини ичидаги аёлларнинг ҳолатини ўрганилади. Агар улар яхши сифатлар ва серфарзандлик билан танилган бўлсалар айни муддао. Аксинча бўлса, улардаги салбий сифатлар номзоди танланаётган қизга ҳам таъсири бўлиши мумкин. Ҳозирги кунимизда буни билишликни кўпгина тиббий услублари ҳам йўқ эмас, қолаверса уйланишдан олдин ҳадиси шарифдаги савол сўраган кишига ўхшаб, аҳли илмлардан, тажрибали ёши улуғлардан маслаҳат олмоқлик энг тўғри йўлдир. Бизнинг ҳалқимизда эса, мазкур услублар жуда яхши йўлга қуйилган (ҳозирги баъзи ёшларимизни тутган йўлларини этиборга олмаганда албатта). Шунинг учун ҳам кексаларимиз, дуоғўларимизни оғзиларидан доимо” серфарзанд, сердавлат бўлинглар” деган дуо

тушмайди. Баъзи ҳолатларда эса, фарзанд кўришга бўлган кўр-кўрона иштиёқ кўнгилсизликларга олиб бориб қўяди. Тасаввур қилинг-а, оила қурилганидан кейин бир йилда фарзанд кўрилмаса, ҳаммаёқ остин-устин қилинади, гўёки айибдор қидирилади, гоҳида эса кўр-кўрона хулоса чиқарилади. Хулоса эса, бу борадаги мутахассис бўлган шифокорнинг маслаҳати билан эмас аксинча, мутлақо бунга алоқаси йўқ бўлган жамиятнинг энг паст синфи бўлмиш фолбинлар тарафидан чиқарилади.

Тасаввур қилиб кўрайлик, фарзанд кўрмаслик бир неча йилга чўзилди. Эру хотин сабр қилдилар ва ниҳоят Аллоҳ таоло ўзининг фазлидан бу оилани сийлади, фарзанд доғидан қутилтирди. Оилада қатта хурсандчилик, барча қавму қариндошлар, кўни-қўшнилар муборакбод қилишган, зиёратлар, ақийқа тўйлари уюштирилган ва ҳакозо. Аксига олиб, кетма-кет 2 ёки 3 та қиз фарзанд дунёга келса борми? Куни кечагина тирноққа зор бўлиб, мурожаат қилмаган шифокори, табиби, фолбини қолмаган эр ёки қайнона ношукрликни энг юқори намунасини ҳаммага кўрсатиб қўйяди. Агар шу ҳолат бирорта ўғил фарзанд дунёга келиши билан муолажа қилинмаса тамом, бунинг ҳеч қандай чораси йўқ. Аксар ҳолатларда келин айбдор қилиниб оилани бузилишигача олиб борилади.

Мазкур ҳолатларни иккинчи кўриниши ҳам бундан яхши эмас. Айтайлик Аллоҳ таоло бир оилага ўзининг фазлидан ўғил-қизни аралаштириб берди. Ҳозирги ёш оилаларда бу ҳолат кўпи билан фарзандлар сони тўртта бўлгунича давом этади. Аксар ҳолатларда эса, битта ўғил ва битта қиз билан тўхтатилади. Яқиндагина фарзанд кўришлик унинг учун дунёдаги энг катта бахт ҳисобланган ота-она энди, нима қилиб бўлса ҳам бошқа фарзанд кўрмаслик чораларини, йўлларини ахтаришни бошлайди. Энг ачинарлиси бу истакларини амалга ошириш учун туғилиши яқин қолган ҳомилани олдириб ташлашидир. Бу эса ўз фарзандини ўз қўли билан бўғиб ёки сўйиб ўлдириш кабидир. Ўзларича иккита фарзандларига меҳрибону мушфиқ ота-она аслида охиратда Аллоҳни ҳузурида эса қотилдир! Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг юзларига қандай қарашади! Умматни кўпайтириш вазифаси зиммасида бўла туриб, вазифасини суистеъмол қилиш хиёнат эмасми? Қайси юз билан Ё Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам умматингизман дейишади.

Шу ўринда бир укамизнинг бошларидан кечган бир воқеъани ибрат тариқасида келтириб ўтмоқчиман. Ҳикоямиз қаҳрамони бир йили Аллоҳ таоло насиб этиб умра зиёратига борибдилар. Бир куни масжидул харомда намоз вақтини кутиб ўтириб ёнларидаги бир хабашга кўзлари тушибди.

Қарасалар намоз вақтигача бироз фурсат бор. Хабаш биродаридан бирор янгилик эшитиш, ҳол-аҳвол сўраш мақсадида уни суҳбатга тортибдилар. Суҳбат ҳол-аҳвол сўрашдан бошланиб оилавий ҳолатга кўчибди. Ҳаммага маълум бундай пайтларда оилавий савол, нечта фарзандингиз бор деб сўралибди. Бу саволга хабаш 50 та деб жавоб берибди. Бизни қаҳрамонимиз бу жавобдан қандай ҳолатга тушганлигини тасаввур қилиш қийин эмас (ҳозирда сиз ўқиб қандай ҳолга тушган бўлсангиз у ҳам ҳудди шу ҳолга тушган). Унинг ҳолатидан хабаш ажабланибди ва “нима гап тинчликми ёки ишонмаяпсизми? Нима учун ғалати қараяпсиз?” – дебди. Пинагини бузмай ва ўз-ўзидан хабаш ҳам укамиздан фарзандлари нечта эканлигини қизиқиб сўрабди. Иккита деган жавобни эшитганидан кейин, шундай таажубланибди-ки, тасаввур қилиб бўлмайди. Бироздан кейин хабаш ўзига келиб, мана энди нима учун менга ишонқирамасдан ғалати қараганлигини тушуниб етдим, деб укамизга тушунтиришни бошлабди. Бизда 40 ёки 50 та фарзанд кўриш одатий ҳолат. Қолаверса умматни кўпайишига ўз ҳиссасини қўшиш ҳар бир мусулмоннинг муқаддас бурчидир. Сизларга ҳайронман қандай қилиб қиёмат кунда Расулуллоҳнинг саллоллоҳу алайҳи васаллам юзларига қарайсизлар. “Иккитагина фарзанд билан борасанми, уялмайсанми, қандай қилиб умматингизман дейсан?” деб роса танбеҳ берибди. Ҳикоямиз қаҳрамони айтадилар роса шарманда бўлдим, нима дейишимни билмай қолдим.

Ҳа ҳурматли ўқувчи балки бу танбеҳлар барчамизга тегишлидир. Зотан ота-боболаримизга садоқатли меросхўр бўла олмаяпмиз, тан олишимиз керак. Ота-боболаримизнинг бир неча асрлар оша амал қилиб келаётган мақолларини, яъни “Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи” бизлар амалдан қолдирдик. У мақоллар гўёки ўша замонларга хос эди. Аслидачи замон ўша-ўша, биз одамлар ўзгардик холос. Фарзандларни кўпайтирмасликка асосан иқтисодий етишмовчиликни сабаб қилиб кўрсатамиз. Тан олайлик биз кўраётган иқтисодий тўкин-сочинликни ота-боболаримиз тушларида ҳам кўришмаган. Аслида уларнинг иймонлари, таваккуллари, мустаҳкамлигидан нафслари ҳам тўқ бўлишган. Бизлардаги иллат, иймон ва таваккул заиф бўлганлиги учун нафсларимиз оч, кўзимиз эса унданда очроқ шу сабабли ҳам ҳеч қачон етарлича “Худога шукр”, демаймизда балки, доимо етишмовчилик тўғрисида шикоят қиламиз. Бизларга аслида маънавий озуқа етишмовчилиги бор, бунда ҳам ўзимиз айбдоримиз барча шароитлар бўла туриб улардан унумли фойдаланмаймиз. Баҳона эса тайёр “бола-чақанинг ташвиши”. Ота-боболаримиз 15-20 нафар фарзандларни тарбиялаб ўстирганлар, ҳаммасига меҳр бера олишган кўнгиллари ҳам хотиржам бўлган, энг асосийси Аллоҳ таоло неча фарзанд





билиб туради, қолаверса ҳадиси шарифда айтилганидек яқинлари ва қариндошларига кўрсатилар экан, буни ҳеч қачон унитмаслик керак. Ҳадиси шарифда, “Агар бошқача бўлса” деган жумлани ўқиб ўринли бир савол туғилади. Яхши амаллардан-ку савоб бориб турар экан, борди-ю фарзандлар ёмон амалларни қилсачи? Ота- онага азоби борадими ёки йўқми? Бу саволга қуйдаги ояти каримада билан жавоб берамиз.

“Албатта, ҳеч бир гуноҳкор бошқанинг гуноҳини кўтармас” (Фотир 18 оят).

Бу ҳам Аллоҳ таолонинг катта марҳамати, хоҳласа ота-оналар ўтиб кетганларидан кейин фарзандларининг яхши амалларидан қандай манфаатдор бўлсалар, уларнинг ёмон амаллари туфайли худди шундай жавобгар қилиши мумкин эди. Аммо бундай қилмади, балки яхшиликларга шерик қилди холос. Буни қадрига етишимиз керак.

Фарзандлар томонидан ота-оналарининг ҳақларига айтадиган истиффорларида ҳам катта манфаат бор, буни қуйдаги ҳадиси шарифдан билиб олсак бўлади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ حَقَّ تَقْوَاهُ ۖ وَالْوَالِدَاتُ وَالْوَالِدُونَ الَّذِينَ بَيْنَهُمَا ذُرِّيَّةٌ لَكُمْ لِمَنِ الصَّوَابُ ۗ لِلَّهِ وَالطَّيِّبِينَ  
بَدَأَ الْإِنْسَانَ مِنْ عَلَقٍ ۗ وَإِنْسَانٌ لَكُفٌ ۖ وَإِنْسَانٌ شَكُوفٌ ۗ وَإِنْسَانٌ مُسَبِّحٌ مُدَبِّحٌ ۗ وَإِنْسَانٌ مُجْتَبِئٌ ۗ وَإِنْسَانٌ مُسَبِّحٌ مُدَبِّحٌ ۗ وَإِنْسَانٌ مُجْتَبِئٌ ۗ وَإِنْسَانٌ مُسَبِّحٌ مُدَبِّحٌ ۗ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Майитнинг ўлгандан кейин даражаси кўтарилади. Бас, у: “Эй Роббим, бу нима?”- дейди. “ Боланг сенга истиффор айтди”, - дейилади” (“Адабул муфрад”да Имом бухорий ривоят қилган).

Ота-оналарнинг руҳларини шод қилишликда фарзандларининг молиявий ибодатлари ҳам ўз самарасини беради, қуйдаги ҳадиси шарифда мазкур маъно ўз ифодасини топган

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади

“Бир одам: “Ё Расулulloҳ! Онам вафот этди. Васият қилмади. Унинг номидан садақа қилсам бўладими? ”- деди.

“Ҳа,”- дедилар”.

Умид қиламизки ҳар бир ота-она аввало фарзандларни кўпайтиришдан кўрқмасинлар зотан Аллоҳ таоло Раззоқдир, қолаверса улардан икки дунёда ҳам манфаатдор бўлишлари, дуо-ю истиффорлари балки бутун яхшиликларидан баҳраманд бўлишлари учун бу дунёда озгина заҳмат

чекиб яхшилаб тарбияласалар бўлди.

4. Балоғатга етмай вафот этган фарзанд ўз ота-онасига шафоатчи бўлади.

Юқоридаги уч ҳолатда фарзандларнинг тириклик ҳолатдаги фазилатлари, барокалари ва фойдалари тўғрисида сўз юритилди. Қуйида эса, ота-оналар ўз жигарбандларидан эрта айрилиб катта мусибатга учрагандаги ҳолатнинг ҳикмати тўғрисида сўз юритилади.

Одатда инсон учун энг катта мусибатлардан бири ўз қўли билан фарзандини тупроққа қўймоқлигидир. Зотан, ҳар бир ота-она доимо дуоларида “Фарзандларим мендан кейин қолиб чироғимни ёқиб турсин” деб сўрайдилар. Лекин, бу ҳаётда ким кимдан олдин кетишини ёки унинг кетида қолишини ҳеч ким билмайди. Аммо ҳеч ким ўз фарзандини тупроққа қўйишни ўйлаб кўрмайди. Ҳаттоки, бу ҳақда ўйлашга кўрқади. Бу дунё имтиҳон ва синовлар дунёси. Энг оғир синовлардан бири эса, ота-онани жигарбандидан айрилишидир. Бу синовга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам дучор бўлганлар ва бу борада ҳам доимгидек гўзал намуна кўрсатганлар. Халқимизда “бошидан ўтган табиб” деган ибора бор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу дардни ҳам ўз бошларидан ўтказганлар. Шунинг учун ҳам фарзандларидан айрилган ота-оналарга қарата бир неча ҳадиси шарифларида уларни тинчлантирганлар ва уларга улкан башоратлар ҳақида хабар берганлар.

دَقْفٌ دَلُولًا نَمَانًا هَل تَامَ نَم مَلَسُو هَل لَلِ لَاقِ مَقْلَعِ نَب رِيَهَ نَع  
رَانَلَا نَم رَاظِحَب رَطْتَحَا.

Зухайр ибн Аби Алвама розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Кимни икки фарзанди вафот этса, дўзахдан тўсиқ билан кўрғонланади” дедилар” (Табароний ривояти).

Эътибор беринг фарзандлар ҳаёт бўлсалар ота-оналарини бу дунёнинг машаққатларидан, азобу уқубатлардан ҳимоя қиладилар. Агар эрта вафот этиб кетсаларчи? Бу ҳолат ҳам беҳикмат эмас экан. Бизга мусибат бўлиб кўринган мазкур синов ҳам ота-онанинг фойдасига, фолаверса вақтинчалик эмас балки, улар учун абадий азобу уқубатдан кўрғон бўлиб турар эканлар. Мазкур маъноларни қувватлаб келувчи бошқа ривоятлар жуда кўп.

مل ةثالث هل تام نم " لاق ملسو هيلع للى لى لى بى بن لى ن ع ، ك ل ام ن ب سن أ ن ع  
ة ن ج ل ا ، ه ت م ح ر ل ض ف ب ؛ م ه ا ي ا و ه ل ل ا ه ل خ د ا ، ث ن ج ل ا و ع ل ب ي

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Кимни уч нафар фарзанди балоғатга етмай туриб вафот этса, Аллоҳ уни  
ва уларни Ўз фазли раҳмати ила жаннатга киргази” дедилар”.

رحي ل ف ط ل ا ن ؛ ل ا ق م ل س و ه ي ل ع ل ل ل ا ل ل ص ي ب ن ل ل ا ن ع ه ن ع ل ل ل ا ي ض ر ي ل ع ن ع  
ة ن ج ل ا ل ل ا و ع ل ب ي

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Албатта ёш бола ота-онаси жаннатга олиб кирилади” (Ибн Можа ривояти).

ة ن ج ل ا ا و ل خ د ا م ه ل ل ا ق ي ؛ ل ا ق م ل س و ه ي ل ع ل ل ل ا ل ل ص ي ب ن ل ل ا ن ع ة ر ي ر ه ي ب ا ن ع  
م ك و ا ب آ و م ت ن ا ة ن ج ل ا ا و ل خ د ا ل ا ق ي ف ا ن و ا ب آ ل خ د ي ت ح ن و ل و ق ي ف

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Уларга жаннатга киришлар дейилади. Бас улар: “Ота-оналаримиз  
кирмагунларича” дейдилар. “Жаннатга ота-оналарингиз бирга киришлар”  
(Насоий ривояти).

Мазкур ҳадиси шарифларнинг барчаси мусибатга учраган ота-оналарга  
мусибатлари кетидан келадиган чексиз ҳикматларни ўргатади. Уларнинг  
қалбларига мусибат туфайли етган жароҳатларни таскин ва башорат  
қоришмасидан тайёрланган малҳам билан муолажа қилади. Зотан, ҳақиқий  
мўмин-мусулмон ота-онага бундан ортиқ малҳамни ўзи йўқ.

Барча ота-оналар ўз фарзандларининг фазилатларидан, барокаларидан  
икки дунёда ҳам фойдаланмоқликларини Аллоҳ таоло насиб этсин! Амин.

Бегматов Исҳоқжон,

Тўхтабой жомеъ

масжиди имом хатиби